

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР
БАДИЙ ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ

**“ФОТОДИЗАЙН” ТЎГАРАГИ
ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ**

ТОШКЕНТ-2014

Муаллиф:

С.Нишонов – “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази тўғарак раҳбари

Л.Ҳошимов – “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази мониторинг мутахассиси

Тақризчи:

Н.Шомансурова - “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази директор ўринбосари

Ф.Зиятов - “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази услубчиси

У.Ражабов - “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази шўъба раҳбари

Ушбу ўқув қўлланма Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 3 сентябрдаги 259-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Дўппидўзлик” тўғараги ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Мазкур ўқув қўлланма “Баркамол авлод” болалар марказлари, таълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари ва маҳаллалар қошида ташкил этилган “Дўппидўзлик” тўғарак раҳбарлари учун тавсия қилинади.

Ушбу ўқув қўлланма Республика Таълим маркази ҳузуридаги “Маънавий-маърифий ишлар” йўналишидаги Илмий методик кенгашнинг 2013 йил 13 августдаги навбатдан ташқари 6-сонли йиғилиш қарори билан фойдаланишга тавсия этилган.

“Фотодизайн” тўгараги биринчи ўқув йили қўлланмаси

1. Кириш

Биз юқорида баён қилиб ўтганимиздек тўғарак аъзолари компьютер техникаси тўғрисида билимларни пухта эгаллагач компьютер дизайни, дизайн санъати, фото дизайн ҳақида тасаввурлар уйғотишга ўтилади.

Компьютер (ингл. computer – ҳисоблагич) – электрон шаклга эга турли маълумотларни қабул қилиш, йиғиш, сақлаш, уларга ишлов бериш, ахборот узатиш, ҳисоблаш каби имкониятларга эга бўлган қурилма.

Шахсий компьютер ва унинг дастурий таъминоти ривожланиши ва такомиллаштирилиши шунга олиб келдики, компьютер ёрдамида олдинлари бажарилмаган вазифа ва ишлар амалга оширилиши мумкин бўлди. Шулар қаторидан компьютер ёрдамида тасвирларни яратиш ва уларга ишлов бериш, яъни компьютер графикаси тушунчаси вужудга келди. Албатта бундан олдин ҳам компьютер графикаси мавжуд бўлган, лекин у асосан, дастурлаш тиллари ёрдамида яратиладиган геометрик фигура (шакллар) ва тасвирлар бўлган.

Биринчи шахсий компьютер 1973 йилда Францияда Хроугх Тронг Ти томонидан яратилган. Дастлаб мазкур шахсий компьютер электрон ўйинчоқ сифатида қабул қилинган. Бу компьютер 1977 йили америкалик Стив Жобс бошчилигидаги “Appale Computer” фирмаси томонидан мукаммаллаштирилиб дастурларнинг катта мажмуини татбиқ этиб, оммавий равишда чиқарила бошлади. Шундан бери компьютер ҳаётимизда мустаҳкам жойлашиб, ахборотларни қайта ишлашнинг энг замонавий воситасига айланди.

Ҳозирги кунда содда ва мураккаб **растрли** графика таҳрирлаш дастурлари мавжуд. Содда график муҳаррирлардан бири - **Windows** операцион тизими таркибига кирувчи **Paint** дастуридир. Мазкур дастур оддий амалларни бажариш имконини беради, лекин профессионал даражадаги имкониятлардан фойдаланиш учун махсус растрли график дастурларидан фойдаланиш керак бўлади: **Adobe Photoshop, Corel PhotoPaint, Macromedia Flash** ва ҳоказо.

Adobe Photoshop дастури ҳозирги кунда энг машҳур ва бутун дунё мутахассислари томонидан тан олинган дастур ҳисобланади. Бунинг асосий сабаблари - унинг бой ва кенг имкониятлари, қулай ва осон интерфейси (мулоқоти), деярли барча график форматлар ва тизимлар билан ишлаши.

Adobe Photoshop дастурининг охириги версиялари **Adobe Photoshop 7.0, Adobe Photoshop CS, Adobe Photoshop CS2** бўлиб, улар деярли барча замонавий технологияларни ўз таркибига олган. **Adobe Photoshop** дастурининг ойнаси қуйидаги кўринишга эга:

“Adobe photoshop” дастури график тасвирлар яратиш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган бўлиб, айниқса рақамли фотография билан ишлаш жараёнида катта қулайликларга эга.

Тўғарак аъзолари компьютер техникаси тўғрисида билимларни пухта эгаллагач компьютер дизайни, дизайн санъати, фото дизайн ҳақида тасаввурлар уйғотишга ўтилади.

Ўқувчиларда “Photoshop график” редактори, Windows муҳитида ишловчи компьютерлар, электрон кўринишдаги фото тасвирларни таҳрир қилувчи дастур эканлиги ва фотосуратларга қўшимча киритиш, доғларни ўчириш ва эски расмларни қайта ишлаш ва тиклаш каби ишларни амалга ошириши, расмларга матн киритиш, қўшимча махсус эффектлар билан бойитиш каби ишларни амалиётда қўллаш малакаларини шакллантириш лозим. Тўғаракларда ўқувчиларга машғулот ўтиш жараёнида медиа таълимдан ҳам керакли тушунчалар бериб бориш ўринлидир. Медиа – телевидение, радио, кинематограф, оммавий нашрлар(газета, журнал), компьютер ахборот тизимлари пайдо бўлди.

Медиа- маънавий маҳсулотларнинг виртуал бозори. Бу бозорда ҳеч ким “молим ёмон”, демайди. Бузғунчилар, жиноятчи, жоҳиллар ҳам ўз маҳсулотини “энг яхши” дейди. Унда бунёдкорлик, тараққиёт учун зарур манбалар ҳам кўп.гап одамнинг ана шу виртуал бозорда таклиф этилаётган маҳсулотларни ҳарид қилишда адашмаслигида- “медиамаданиятда”.

Йигит қизларимиз, интернет орқали медиа матнларни ўқиётган тамоша қилаётганларида уларни қабул қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш; медиамаҳсулотларнинг ижтимоий маънавий, мафкуравий, маданий контекстини тушунишлари керак. Бу эса одамнинг медиамаданияти қандайлиги билан боғлиқ.

Бироқ ёлғонни ҳақиқатдан ажратиш, қаршисида турган, ёки интернет матнидаги яширин қабих ниятни таниш осон эмас. Чунки баъзилар зийрак, баъзилар содда.

Шундай экан ёшлар - медиамаҳсулотларни энг кўп “ёб-ичадиган” сегмент. Демак ҳар бир замонавий йигит қиз медиа бозорнинг “ичи”ни билиб ўсишлари керак. бунинг учун эса биз катталар буни назорат қилмоғимиз, ёшларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатмоғимиз лозим.

Компьютер хонасида компьютерлардан фойдаланишда қуйидагиларга амал қилиш лозим:

Тўғарак раҳбарининг рухсатисиз компьютерга ёзиш ва турли операциялар бажариш мумкин эмас;

Компьютернинг эҳтиёт қисмларига тўғарак раҳбарининг назоратисиз тегиш мумкин эмас;

Розетка, стабилизатор, пилот ва шунга ўхшаш электр токи мавжуд бўлган жиҳозларга тегиш ман этилади;

Монитор дисплейига қўл билан тегиш ман этилади;

Тўғарак машғулотлари мобайнида озодалиқга риоя қилинг;

Компьютер қаршисида тўғри ўтириш тавсия этилади шунингдек мониторга яқинлик масофаси 30 – 40 см бўлиши лозим;

Компьютерда кўп ишлайдиганлар шунингдек кўз касаллиги мавжуд бўлганларга махсус кўзойнак тақиш тавсия этилади.

Табийки, барча фан ёки соҳалар каби “Фотодизайн” тўғарагининг ҳам ўз мақсади ва вазифалари бор.

Тўғаракнинг мақсади – фотодизайннинг баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамиятини тарғиб этиш, жисмонан соғлом ва ақлан етук шахсни тарбиялаш, ўқувчилар ўртасида дўстлик ва ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, аждодларимиз мероси, анъаналаримизни келажак авлодларга етказишдан иборат.

Тўғаракнинг *асосий вазифалари* эса, белгиланган Давлат таълим талаблари ва ўқув дастурлари асосида таълим-тарбия бериш, бўлажак кадрларни фотодизайннинг назарий ва амалий билимлари билан қуроллантириш, фотодизайн ашёларини тайёрлаш меъёрларини бажариш малакаларини шакллантиришдан иборатдир.

Сиз учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилаётган мазкур китобда, фотодизайннинг бугунги кундаги аҳамияти, фотодизайн тушунчасининг вужудга келиши, фотодизайннинг тараққиёти ва ривожланиш босқичлари, унинг ўзига хос назарий ва амалий жиҳатлари, фотодизайн аслаҳа-анжомлари ва улардан фойдаланиш каби мавзулар бўйича муҳим билим, кўникма ва малакаларни эгаллайсиз.

2. “Photoshop график” редактори

“Adobe Photoshop” – Windows муҳитида ишловчи Macintosh ва IBM PC компьютерлари учун мўлжалланган электрон кўринишдаги фототасвирларни таҳрир қилувчи дастурдир. “Adobe Photoshop” дастури Adobe System, Inc компанияси томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, ишлатишдаги алоҳида қулайликлари билан машҳур.

“Adobe Photoshop” тасвир таҳрир қилувчиси ёрдамида фотосуратларга қўшимчалар киритиш, фотосуратдаги доғларни ўчириш, эски расмларни қайта ишлаш ва тиклаш, расмларга матн киритиш, қўшимча махсус эффектлар билан бойитиш, бир фотосуратдаги унсурларни иккинчи фотосуратга олиб ўтиш, суръатдаги рангларни ўзгартириш, алмаштириш мумкин. “Adobe Photoshop” имкониятлари кенг қамровли бўлиб, у газета ва журналларни турли-туман расмлар билан бойитишда жуда катта қулайликлар яратади.

“Adobe Photoshop” дастури қуйидагича ишга туширилади:

1. Пуск – Програми - “Adobe Photoshop” буйруғи орқали.
2. Экрандаги мавжуд “Adobe Photoshop” учун махсус белгида “сичқонча”нинг чап тугмаси икки марта босилади.

3. “Adobe Photoshop” дастури менюси

“Adobe Photoshop” дастури менюси ҳақида тушунчалар белгиланган машғулот соатларида берилиб бориб, ҳар бир меню таркибида очиладиган ускуналар бўйича маълумотлар бериш тавсия қилинади.

“Adobe Photoshop” дастурининг мукаммал ўзлаштирилиши дастур билан эркин ишлашга имкон яратади.


Одатда “Adobe Photoshop” дастури файлларни PSD ишчи форматида сақлайди. Аммо тасвирларни босма ҳолатда чиқариш учун уларни қулайроқ форматда сақлаш лозим. Бу JPEG форматидир. Бу ишни амалга ошириш учун “Файл” менюсига кириб “Сохранить” рўйхати танланади. Кўз олдингизда мулоқот ойнаси намоён бўлади. Аввало формат танланади. Сиз JPEG форматини танлаб қаярга сақлаш бўйича буйруқ берасиз ва “Сохранить” буйруғидан кейин JPEG формати параметрлари намоён бўлади. Керакли параметрлар танланиб, “ОК” тугмаси босилади.

“Adobe Photoshop” дастури менюси 9 банддан иборат. Ҳар бир меню таркибида очиладиган меню бандлари мавжуд. Уларни кўриш курсор ёрдамида амалга оширилади.

Adobe Photoshop дастурининг ойнаси қуйидаги кўринишга эга:

- *Дастур сарлавҳаси* – дастур ва жорий очилган ҳужжат номларини акс эттиради;
- *Бош меню* – тасвир устида бажарилиши мумкин бўлган барча фармойиш ва амаллар, эффектлар, созлашларни ўзига олган;
- *Бошқарув панели* – бирор бир ускуна танланганида уни созлаш ва кўрсаткичларини ўзгартириш учун фойдаланилади;
- *Ускуналар панели* – асосий амаллар бажарилишини таъминлайдиган анжом-ускуна ва ускуналарни ўзига мужассам этган;
- *Жорий очилган ҳужжат* – бевосита тасвир, файл номи ва кенгайтмаси, ранг тизими ва тасвирлаш масштаби (% да);
- *Ҳолат сатри* – жорий масштабни % да, ҳужжат ҳажми, жорий бажарилаётган амал номини акс этади;
- *Навигатор* – тасвир масштабини кўрсатиш ва ихтиёрий жойини катталаштириш ва танлаш;
- *Ранглар/Намуналар/Стилар (Цвет/Образцы/Стили)* – тасвирда фойдаланиши мумкин бўлган рангларни танлаш, янгисини қўшиш, тайёр стилларни қўллаш;
- *Тарих/Амаллар (История/Действия)* – ҳужжат яратилганидан (очилганидан) бошлаб унинг устида барча бажарилган амал ва ишловлар рўйхати (тарихи);

Қатламлар/Каналлар (Слой/Каналы) – тасвирни ташкил этувчи барча қатламлар ва ранг каналлари билан ишлаш.



“Adobe Photoshop” дастурининг мукаммал ўзлаштирилиши дастур билан эркин ишлашга имкон яратади.

“Файл”, “Правка”, “Изображения” “Слой”, “Выделит” “Вид” менюсидаги буйруқлардан мустақил фойдаланиш бўйича амалий машғулотларда билимлар мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқдир.

Компьютернинг асосий ва қўшимча қурилмалари.

Ҳозирда хилма-хил замонавий компьютерлар инсонга хизмат қилмоқда. Уларнинг ташқи кўриниши ҳам турлича. Ҳар қандай компьютер аппарати таъминоти асосий ва қўшимча қурилмалардан иборат. Асосий қурилмаларига системалар блоки, монитор, клавиатура кирази.

Системалар блоки компьютернинг ишини бажарувчи асосий қурилма ҳисобланади, унда оператив хотира жойлашган ва у барча қурилмаларни ўзига боғлаб, ишлашини таъминлайди.



Монитор – системалар блокида қайта ишланган маълумотларни тасвирлаб беради.



Клавиатура – компьютерга турли хил шаклдаги ахборотларни киритиш ёки чиқариш учун хизмат қилувчи қурилмадир.



Компьютернинг қўшимча қурилмаларига эса принтер, сичқонча, модем, сканер, нурли перо киради.

Принтер - маълумотларни қоғозга чоп этиш қурилмаси ҳисобланади.



Сичқонча – ахборотларга киритишни қулайлаштирувчи манипулятор ҳисобланади. Унда 2 та тугма мавжуд, ўнг ва чап. Чап тугма 2 марта босилади, ўнг тугма эса фақат бир марта босилади.



Модем–бир шахсий компьютердаги маълумотни бошқа шахсий компьютерга узатиш ва интернетга ишлатиш мумкин. Улар 2 хил бўлади. Ички ва ташқи. Ташқи модем системалар блокининг ташқарисида жойлашган бўлади, ички модем эса системалар блокининг ташқарисида жойлашган бўлади.




Сканер – фотосурат, график ва матн шаклидаги ахборотларни компьютерга киритади.



4. “Файл” менюси


Microsoft word дастури очилганда менюлар қаторида 1-меню бу файл менюси ҳисобланади. Файл менюси орқали “Создать” (янги қоғоз ҳосил қилиш), “Открыть” (хотирадаги ҳужжатлар мажмуини очиш), “Сохранить” (хотирага сақлаш), “Сохранить как” (янги ҳужжатга ном бериш, сақлаш), “Параметры страницы” (қоғоз ўлчамларини ўрнатиш), “Предварительный просмотр” (ҳужжатни қоғозга жойлашганини кўриш), “Печать” (ҳужжатни қоғозга чоп этиш), “Свойства” (сақланган ҳужжатни ҳолатини кўриш).



5. “Правка” менюси

Правка менюси менюлар қаторининг 2-менюси ҳисобланади. Унда қуйидаги буйруқлар мавжуд: “Отменить” (берилган буйруқни қайтариш), “Вырезать” (блокка олинган жойини қирқиб ташлаш), “Копировать” (нусха олиш), “Вставить” (нусхага олинганини жойлаштириш), “Специальная вставка” (махсус қўйиш), “Вставить как гиперссылку” (интернет дастурларида учрайди), “Очистить” (ўчириб ташлаш), “Выделить всё” (матнни тўлиқ блокга олиш), “Найти” (ахтариб


топиш), “Заменить” (ҳужжатни бирон бир ҳарфини бошқасига алмаштириш), “Перейти” (керакли бўлимга ўтиш) кабилар ўрганилади.



6. “Изображения” менюси

“Изображения” менюси ва ундаги буйруқлар. Улар қуйидагилардан иборат:

“Режим” (ранг моделларини ўзгартириш), “Настройка” (тасвир рангларини созлаш), “Дубликат” (тасвирдан нусха олиш), “Наложит изображение” (тасвирни қўшимча ранглар билан бойитиш), “Вичислит” (тасвирдаги ранглар каналларини ўчириш), “Размер изображение” (тасвир шакли ва ўлчамларини ўзгартириш), “Размер холца” (тасвир рамкаси ўлчамларини ўзгартириш), “Обрезание” (белгиланган майдондаги тасвирни кесиб олиш), “Перевернут холца” (хоцни соат стрелкаси бўйлаб ёки соат стрелкасига қарши 180, 90° С га буриш), “Гистограмма” (тасвирдаги ранглар миқдори ҳақидаги маълумотлар дарчаси).



7. “Слой” менюси

“Слой” менюси ва унинг таркибидаги қўшимча буйруқлари қуйидагилар:

“Новий” (янги қатламни ташкил қилиш), “Дубликат слой” (қатлам нусхасини ҳосил қилиш), “Удалит слой” (мавжуд қатламни муваққат хотирадан ўчириш),

[illegible]

“Все” (Ctrl)+A-таъсирни бутундай белгилаш) “У”

[illegible]

Бу меню куйидаги буйруқлардан иборат:

“Новий вид” (янги дарчани очиш), “Увелечит” (Ctrl+S-тасвирнинг экрандаги кўринишини кенгайтириш), “Уменшит” (Ctrl+--тасвирнинг экрандаги кўринишини кичрайтириш), “Показат вес экран” (тасвирни бутун экран кўринишида кўрсатиш), “Реальный размер” (тасвирни мавжуд ўлчамларидаги кўриниши), “Размер печатного оттиска” (тасвирнинг босма шаклдаги кўриниши), “Выкл. линейки” (Ctrl+P-чизғичларни олиб ташлаш).

Жорий ҳужжатга тегишли бўлган янги ҳужжат ҳосил қилади, ҳосил қилган ҳужжат ойналарини тартиблайди, ҳужжатни керакли қисмидан бўлади.

“Каскад” (тасвирни экранда вертикал ҳолатда жойлаштириш), “Мозайка” (тасвирни экранда горизонтал ҳолатда жойлаштириш), “Упорядит значки” (асбоблар панелидаги буйруқларни), “Закреть всё” (Photoshop дарчасида очилган барча тасвирларни бекитиш), “Вкл. или Выкл. Панел” (асбоблар панелини ўчириш ёки ёқиш), “Вкл. Навигатор” (навигаторнинг экранда пайдо бўлишини таъминлаш), “Показать информация” (ахборотлар дарчасини активлаштириш), “Показат свет” (ранглар жойлашган махсус дарчани активлаштириш), “Вкл. Кисти” (бўёқ чўткалари жойлашган дарчани активлаштириш), “Вкл. Слои” (қатламлар ҳақидаги маълумотларни сақловчи дарчани активлаштириш), “Убрат строку состояние” (Adobe Photoshop дастури дарчаси остидаги маълумотлар сатрини ўчириш ёки ёқиш).



Adobe Photoshop дастури “Панел инструментов” даги мавжуд асбоблар ва уларнинг функциялари. Adobe Photoshop асбоблар панелида турли хил ишни бажарадиган ойналар жойлашган. Хар бири Adobe Photoshop дастурининг бирор-

бир бўйруғини англатади. Агар асбоблар панелида бирор-бир ойна бўлмаса, меню сатрининг Окно пунктида Вкл. Панел бўйруғини танланг.

Adobe Photoshop дастурида жами 46 та асбоблар мавжуд бўлиб, улардан 20 таси бевосита дастур ишга туширилганда ойнада кўзга ташланиб туради. Қолганларини қўшимча буйруқларни бажариш орқали ишга тушириш мумкин. Агар асбоблар панелида жойлашган ойнанинг остки қисм ўнг бурчагида кичик учбурчак шакли тасвирланган бўлса, бу тасвир ушбу ойна таркибида ўхшаш бўйруқни бажарувчи

асбоблар

яширинганлигидан

дарак беради.

Яширинган

асбобни

активлаштириш учун

курсорни махсус

белгили ойна ичида

“сичқонча”нинг чап

тугмасини босган

ҳолда асбоблар

панелидан ташқарига


олиб чиқилади ва керакли ойна ичида курсорни қидириб “сичқонча”нинг чап тугмаси қўйиб юборилади.

Ҳар бир ойнага курсор яқинлаштирилса, курсор белгиси остидаги асбобнинг қандай вазифани бажариши ҳақидаги ахборот пайдо бўлади.

12. “Инструмент прямоугольник” билан ишлаш

Тўғри тўртбурчак шаклидаги майдонни белгилаб олиш. “Строка пикселей” ва “Столбец пикселей” функциялари.

“Инструмент прямоугольник” билан ишлаш, тўғри тўртбурчак шаклидаги майдонни белгилаб олиш, вертикал, горизантал ҳолатда белгилаб олиш, кесиш, бошқа форматга ўтказиш ва уни сақлаш “Строка пикселей” ва “Столбец пикселей” функцияларидан фойдаланиш ва ишлаш тартиби ҳар бир тўғарак аъзоси билан алоҳида ишлаб, амалиётда қўллашни талаб этади.



13. “Кадрирование” билан ишлаш


Тасвир четларини ва кераксиз қисмларини кесиб ташлаш тартиби.

“Кадрирование” билан ишлашда тасвир четларини ва кераксиз қисмларини кесиб ташлаш, “Перемещение” билан ишлашда белгиланган майдонни ёки қатламни силжитиш ва кесиб олиш қоидалари белгиланган машғулотлар соатларида амалиёт билан уйғунликда олиб борилиши лозим.

Ушбу ойна, асосан тасвир четларини ва кераксиз қисмларини кесиб ташлаш учун қўлланилади. Бу буйруқ активлаштирилганда тасвир юзида тўғри тўртбурчак шаклидаги рамка ҳосил бўлади. Рамканинг четлари кичик **квадратлардан** иборат бўлиб, бу **квадрат**чалар ёрдамида рамка ҳажми ўзгартирилади. Тасвир рамка ичига олингандан сўнг Enter клавиши босилса, рамка ташқарисида қолган ортиқча бўлақлар кесиб ташланади. Ушбу буйруқни Esc клавишини босиб рад этиш мумкин.

14. “Перемещение” билан ишлаш

“Перемещение” буйруғини бажарадиган бошқа функциялар. Ушбу ойна тасвиридаги белгиланган қатламни силжитиш ва кесиб олиш учун хизмат қилади. Перемещение буйруғини бажарадиган айна жараёни бошқа айрим ойналар (масалан Волшебная палочка ойнаси) ёрдамида ҳам амалга ошириш мумкин.



15. “Лассо” билан ишлаш


Лассо ва унинг турлари. Тасвирдаги турли шаклдаги объектларни белгилаш. “Многоугольное лассо” ва “Магнитное лассо”лар ва уларнинг функциялари.

“Лассо”: тасвирдаги турли шаклдаги **объект**ларни белгилаш учун ишлатилади.

“Многоугольное Лассо”: Асосан тасвирдаги тўғри чизиклардан иборат **объект**ларни белгилашда ишлатилади. Alt клавиши қўлланилганда оддий Лассо ойнаси вазифасини бажаради.


“Магнитное Лассо”: Бу ойна ишлатилганда Adobe Photoshop дастури тасвирдаги объект чегараларини ўзи белгилайди. Аммо бу ойна пексиллардаги

рангларни ўзгаришига боғлиқ тарзда чегараларни аниқлаши боис кам қўлланилади.



16. “Волшебная палочка” билан ишлаш

“Волшебная палочка”нинг функцияси. Волшебная палочка бир-бирига яқин бўлган рангдаги пексиллар жойлашган майдонни белгилайди. Shift билан биргаликда қўллansa, белгиланган майдон ҳажми ортади. Alt билан ишлатилганда эса белгиланган майдон ҳажми камаяди.



17. “Аэрограф” билан ишлаш

“Аэрограф” функцияси орқали тасвирни бўяш тартиби. Сиёҳни тасвир бўйлаб ёйилиб кетиш эффекти. Бўёқнинг тасвир бўйлаб оқиши. Аэрографни активлаштириш.



Аэрограф тасвирини бўяшда ишлатилади. Аэрографни бир жойда ушлаб туриш сиёҳни тасвир бўйлаб ёйилиб кетиш эффектини беради. Бўёқнинг тасвир бўйлаб оқиши курсорни қўйиб юборгунча давом этади. Одатда бу асбоб юмшоқ чуткалар ишлатилади. Аэрограф курсорни ушбу асбоб учига босиш ёки клавиатурадаги G клавишини босиш орқали активлаштирилади.

18. “Кист” ва “Штамп”

“Кист” ва “Штамп” тушунчаси ва уларнинг функциялари. Кисть аэрограф ойнаси каби тасвирни бўяшда ишлатилади. Аммо Кисть ёрдамида тасвирни сифатли бўяш мумкин. Бу ойна аэрографга нисбатан кўп қўлланилади. Кисть ойнасини В клавишини босиш орқали **активлаштириш** мумкин. Брушес ойнаси ёрдамида бўёқ чуткаларини шаклини ўзгартириш мумкин.

“Штамп”: тасвирдаги кичик бир **бўлак** нушасини кўчириш учун ишлатилади. Бу ойна тасвирдаги айрим нуқсонларни, доғларни йўқотиш ва эски расмларни тиклашда кенг қўлланилади.

“Кисть” предудуших состояний: Бу ойна тасвир ҳақидаги дастлабки маълумотлар асосида ишлайди. Унинг ёрдамида тасвирга киритилган сўнги ўзгартиришларни бекор қилиш мумкин.




19. “Ластик”, “Карандаш”да ишлаш

“Ластик”дан тасвирни ўчиришда фойдаланиш. “Карандаш”дан турли чизикларни чизишда фойдаланиш тартиби.


“Ластик”: тасвирни ўчириш учун ишлатилади. У қўлланганда тасвирда фон қайси рангда бўлса, **ўша** рангдаги чизиклар ҳосил бўлади. Alt клавишини қўллаш ёрдамида компьютер хотирасига олинмаган сўнги ўзгартиришларни бекор қилиш мумкин. Ластик асбоби Е клавишни босиш орқали **активлаштирилади**.

“Карандаш”: турли чизикларни чизиш учун фойдаланилади. Alt клавиши босилганда курсорнинг экрандаги тасвири ўзгаради ва бевосита тасвирдан керакли рангни танлаш мумкин. Бу амал бажарилгандан сўнг ўша рангда чизик тортилади.



20. “Линия” билан ишлаш

“Линия”: Тўғри чизикларни чизишда “Линия” дан фойдаланилади. Бундан ташқари тасвир четларини белгилаб олишда ҳам ушбу буйруқдан фойдаланилади.




21. “Размывка”, “Резкость”, “Палец”лар билан ишлаш

“Размывка”: Тасвирдаги ёрқинликни назорат қилиш. Ушбу ойна ишлатилганда, **тасвирдаги** ёрқинлик пасаяди. Alt клавиши билан қўлланилганда ёрқинлик ортади.

“Резкость”: Тасвирдаги ёрқинликни назорат қилиш. Ушбу ойна ишлатилганда, тасвирдаги ёрқинлик ортади. Alt клавиши билан қўлланилганда ёрқинлик пасаяди.

“Палец”: Тасвирдаги ранглар чайқалтириб, тасвирдаги объектлар ўртасидаги чегараларни бир-бирига қўшиш тартиби.




22. “Осветитель”, “Заменитель” ва “Губка”лар ёрдамида ишлаш

“Осветитель” буйруғи қуйидаги вазифаларни бажаради: Пикселлардаги рангларни ёрқинлаштиради. Alt клавиши билан қўлланилганда пикселлардаги ранглар хиралашади.

“Заменитель” тасвир устида ҳаракатлантирилганда пикселлардаги ранглар қорамтир тус олади.

“Губка” тасвир устида ҳаракатлантирилганда, тасвирдаги ранглар миқдори пасаяди. Губка бир жойда кўп айлантирилса, тасвирнинг ўша жойи кулранг тус олади.



23. “Перо” билан ишлаш

“Перо” турлари. Перони тасвир устида ҳаракатлантирилганда, нукталар ҳосил бўлади. Ушбу нукталар ёрдамида чизилган тасвирни ўзгартириш мумкин.

“Магнитное перо” - бу буйруқ худди магнитное лассо каби ҳаракатланади. Бирор бир тасвирдаги **объект** атрофида ҳаракатлантирилганда, Adobe Photoshop дастурининг ўз объект четларини белгилаб чиқади.


“Произвольное перо”-бу жуда қулай ойна бўлиб, ҳоҳлаган шаклдаги тасвирни у ёрдамида ифодалаш мумкин.

“Вставить точку”-бу ойна перо ёрдамида чизилган чизик устига қўшимча нукталарни қўшади.

“Удалить точку”-бу буйруқ перо ёрдамида чизилган чизик устидаги ортикча нукталарни ўчиради.

“Непосредственное выделение”-у ёки бу перо билан чизилган чизикларни таҳрир қилиш учун хизмат қилади. Унинг ёрдамида чизикдаги нукталарни яқка тартибда ҳаракатлантириш ва керакли жойга силжитиш мумкин.

“Преобразовать точку”-тасвир устида чизилган чизикларда ўрнатилган ҳар бир нукта, бурчак ёки ёй вазифасини бажаради. Ушбу ойна ёрдамида нукталарнинг вазифаларини ўзгартириш, яъни ёйни бурчакка ва бурчакни ёйга алмаштириш мумкин. Бунинг учун курсорни нукта устига олиб бориб “сичконча”нинг чап тугмаси бир марта босилади.



24. “Текст” билан ишлаш

Тасвирга турли матнларни киритиш тартиби. Ҳарф ўлчами, тури, ранги ва бошқа ўлчамлари. Бу асбоб ёрдамида киритилган матнни қайта таҳрир қилиш имкони мавжуд эмас.

“Текст–маска”: Текст ойнаси каби бу асбоб **активлаштирилиб**, матн устида бир марта босилганда, Текстовые инструмент дарчаси ҳосил бўлади. Лекин бу оддий текстдан тубдан фарқ қилади. Ҳарфларнинг чети худди “Лассо” ойнасини белгилаш каби кўринишга эга бўлади. Ҳарфларни турли рангларга бўяш ва “Перемещение” ойнаси ёрдамида ўрнидан силжитиш мумкин.


“Вертикальный текст”: агар тасвирга пастдан юқорига шаклда (вертикал шаклда) матн киритмоқчи бўлсангиз ушбу асбобдан фойдаланишингиз мумкин.

“Вертикальный текст-маска”: “Текст–маска” ойнаси билан бир хил вазифани бажаради. Аммо бу ойна қўлланганда ҳарфлар устма-уст устун каби жойлаштирилади.


“Изменить”: тасвирдаги турли ўлчовларни бажариш учун ишлатилади. Бу асбоб бир нуқтадан иккинча нуқтага курсор олиб борилиши кифоя. Adobe Photoshop дастури автоматик тарзда икки нуқта орасидаги масофани ўлчайди.

Тасвирга турли матнларни киритади, ҳарф ўлчами, шрифт тури, ранги ва бошқа ўлчамлари ўзгартирилади. Матнни “Вертикальный текст” орқали вертикал ҳолатга ёки горизонтал ҳолатга буриш мумкин. Барча буйруқлар тасвирда кўрсатилиб турилганидек танланади ва “ОК” кнопкасини босиш билан яқунланади.

Тасвирга турли матнларни мустақил киритиш, ўзгартириш ишлари ушбу ойнадаги тасвирланган қўшимча буйруқлар орқали амалга оширилади.




“Ковш”лар



25.
“Градиент”,
билан ишлаш

“Градиент”: Бу буйруқ ишлатилганда, тасвирдаги белгиланган майдонда ранглар комбинацияси ҳосил бўлади. Асосий рангнинг тасвир фонига сизиб ўтиш эффекти.

“Ковш”: Ушбу ойнадан, асосан, тасвирни ёки тасвирдаги ажратиб олинган ҳудудни бўяшда фойдаланилади. Рангларни қўшимча буйруқларни бажариш орқали танланади. Бу асбобни активлаштириш учун К клавишаси босилади.



26. “Пипетка”, “Выборка цветов”, “Рука”, “Масштаб” функциялари билан ишлаш


“Пипетка”: Тасвирдаги асосий ёки тасвир фони рангини ўзгартиради, пипетка тасвир устидаги бирор нуқтада ранг сифатида танланади. Агар айна жараёнга Alt қўшилса, танланган ранг тасвир фонида ўзгартиришга олиб келади.

“Выборка цветов”: Ушбу ойна **тасвирдаги** ранглар ҳақида ахборот олишга хизмат қилади. Инфо дарчасида белги қўйилган нуқтада неча фоиз қизил, кўк ва қора ранглар мавжудлиги ҳақидаги ахборот ҳосил бўлади.

“Рука”: Тасвирнинг кўзга ташланмай турган қисмларини кўрсатади. Бунинг учун ушбу асбоб активлаштирилиб тасвир устида “сичқонча” нинг чап тугмасини босган ҳолда керакли томонга ҳаракатлантирилади. Айна жараёни Adobe Photoshop дастури дарчасидаги навигатор ёрдамида ҳам амалга ошириш мумкин.

“Масштаб”: Тасвирни катталаштириш ёки кичрайтириш учун хизмат қилади. Агар ушбу ойна билан биргаликда Alt клавиши ишлатилса, тасвир кичраяди. Ушбу асбоб активлаштирилгандан сўнг курсор ўз шаклини ўзгартиради ва лупа кўринишини олади. Курсор тасвирнинг қайси нуқтасида босилса, Adobe Photoshop дастури автоматик тарзда ўша нуқтани экранга яқинлаштиради. Масштаб буйруғи активлаштирилиб, Enter клавиши босилса, “Описание масштабирования” ойнаси очилади. Бу ойнада махсус тўртбурчак ичига белги қўйилади, тасвир ўлчамлари ўзгартирилганда тасвир ойнаси ҳам мос тарзда ўзгаради. Ҳар сафар тасвир ўлчамларини катталаштириш ёки кичрайтириш учун Масштаб асбобини активлаштириш шарт эмас. Бошқа ойна билан ишлаш пайтида Ctrl+ПРОБЕЛ босилса, ишлатилаётган ойна вақтинчалик Масштаб ойнасининг вазифасини бажаради ва тасвир катталашади. Ctrl+ПРОБЕЛ ўрнида Alt +ПРОБЕЛ қўлланилса,

тасвир ўлчами кичраяди. Шунингдек, тасвир ўлчамини Ctrl+(плюс) клавишалари ёрдамида катталаштириш, Ctrl-(минус) ёрдамида кичрайтириш мумкин. Adobe Photoshop дастури ойнаси остида строки состояние сатрида тасвир ўлчамлари ҳақида ахборот берувчи махсус ойна мавжуд. Бу ойна тасвир ўлчамлари сонларда ифодаланган. Ушбу сонларни киритиш орқали тасвирнинг аниқ ўлчамлари киритилади.



27. “Основной цвет”, “Цвет фона”, “Переключение цветов”, “Цвета по умолчанию”лар билан ишлаш

“Основное цвет” (Асосий ранг): ушбу ойна устида курсор икки марта кетма-кет босилганда Adobe Photoshop дастурининг янги ойнаси (Выбор света) ҳосил бўлади. Бу ойнада керакли ойна танланиб, ОК ёки Enter тугмаси босилади ва танланган рангни карандаш, кисть, аэрограф, градиент каби ойналари ёрдамида қўллаш мумкин.

“Цвет фона” (Ранг фони): ушбу тугма устида курсор (“сичқонча” чап тугмаси) икки марта босилганда Adobe Photoshop дастурининг янги ойнаси ҳосил бўлади. Бу ойнада тасвир фонининг ранги аниқланади. Тасвир фондаги ранг ласточка ва градиент ойналари учун қўлланилади.

“Переключение цветов” (Рангларни белгилаш): ушбу белги устида курсорни босиш асосий ранг билан тасвир фондини ранглари алмаштирилади.

“Цвета по умолчанию”: бу белги устида курсорни бир марта босиш билан асосий ранг қорага ва тасвир фони ранглари оққа айланади.

28. Марширующие муравьи”, “Быстрая маска”, “Стандартное окно”, “Экран” лар билан ишлаш

“Марширующие муравьи”: Бу ойна ёрдамида Adobe Photoshop дастурида тез ниқоблаш ҳолати бекор қилинади. Экранда белгилаш чегаралари чуқуллилар ҳаракатини эслатувчи пунктир чизик ёрдамида акс эттирилади. Бу Adobe Photoshop дастурида, одатда, стандарт ҳолат деб аталади.

“Быстрая маска”: ушбу ойна устида курсор бир марта босилиши билан Adobe Photoshop дастури тез ниқоблаш ҳолатига ўтади ва натижада тасвирдаги

ниқобланмаган ҳудуд қизил ранг билан бўялади. Ушбу ойна тасвирдаги турли объектларни аниқ ниқобланишида ишлатилади. Кист ойнаси ёрдамида ниқобга ишлов бериш мумкин. Бунда қора ранг билан тасвир ниқобланади, оқ ранг билан ниқоби ўчирилади.

“Стандартное окно”: Ойна активлаштирилганда тасвир стандарт ҳолатда бўлади.

“Польный экран с меню”: Бу тасвир компьютер экранига сиғмаган ҳолатда ишлатилади. Ушбу ойна активлаштирилганда экранда меню сатри ҳамда асбоблар панели қолади.

“Польный экранный режим”(тўла экранли режим): экранда фақат тасвир ва асбоблар панели ҳамда меню сатри қора фонда қолади. Adobe Photoshop дастури тасвирни биринчи марта очганда уни максимал ўлчамда очади. Тасвир билан ишлаш жараёнида унинг ўлчамани бир неча марта катталаштириш ёки кичрайтиришга тўғри келади. Ана шундай ҳолатларда тасвирни ҳоҳлаган пайтда дастлабки “Польный экранный режим” ҳолатига қайтариш мумкин. Бунинг учун қуйидаги амалларни бажариш мумкин:

Менюлар сатрида Вид менюси таркибидаги по размерам экрана командасини танлаш;

Ctrl+0 тугмаларини биргаликда босиш;

Асбоблар панелидаги рука ойнаси устида “сичқонча” чап тугмаси икки марта кетма-кет босилади.

29. Тасвир форматлари

Adobe Photoshop дастури 20 дан ортиқ форматдаги файллар билан ишлаш имконига эга. Энг кўп қўлланиладиган формат:

BMP: (Windows bitmap- Windows нинг бит картаси)- Windows муҳитида ишловчи компьютерларда экран ости тасвирларини қўлловчи дастур Microsoft Paint да кенг қўлланилади.

JPEG: ҳозирги кунда энг кўп қўлланиладиган форматлардан бири бўлиб, унинг асосий афзалликларидан бири махсус дастур ёрдамида файл ҳажмини етарлича сиқиш имконининг мавжудлигидир. Аммо файлни сиқиб, ҳажмини кичрайтириш жараёнида тасвир сифатида ўзгариш бўлади. Файл кучли сиқилганда тасвир сифати ёмонлашиши мумкин. Ушбу форматдаги файллар компьютер хотирасида кўп жой эгалламайди ва ҳажм жиҳатидан кичиклиги боис мазкур форматдаги тасвирлар билан ишлаш анча осон.

TIFF: бу форматдаги файллар ҳам кенг қўлланилади. Лекин TIFF форматидаги файллар компьютер хотирасида кўп жойни эгаллайди. Adobe Photoshop дастурида ушбу форматдаги тасвирлар билан ишлашда дастурнинг ишлаш тезлиги сезиларли равишда камайиши мумкин.

GIF(графикни айирбошлаш формати): ушбу форматдаги тасвирлар, асосан, интернет тизимида кенг қўлланилади.

30. Ранглар билан ишлаш

Adobe Photoshop дастурида асбоблар панелида ранглар билан ишлаш учун тўртта асбоб ажратилган. “Основной цвет”, “Цвет фона”, “Переключение цветов”, “Стандартный цвет” ойналари.

“Основной цвет”: Ушбу ойнада қандай ранг кўрсатилган бўлса, ковш, линия, карандаш, кист, аэрограф ва шунингдек, Alt клавиши билан биргаликда қўлланилганда палест ойнаси учун ўша ранг асосий ҳисобланади.

“Цвет фона”: Кўрсатилган ранг ластик ойнаси билан ишлаганда қўлланилади. “Цвет фона” ойнасидаги ранг “Основной цвет” ойнасида рангни ўзгартириш учун қандай амал бажарилган бўлса, бунда ҳам худди шундай амалга риоя қилиш лозим ёки пипетка ойнаси билан Alt клавишини биргаликда босиш орқали рангни алмаштириш мумкин.



“Переключение цветов”: Курсорни ушбу ойна устида бир марта босиш орқали асосий ранг ва фон ранги ўрни алмашади.

“Стандартный цвет”: Курсорни ушбу ойна устида бир марта босиш орқали асосий ранг ва фон рангини стандарт ранглар қора ва оқ рангга алмаштирилади.

Рангларни танлашда “Adobe Photoshop” дастурида Color ойнасидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Асосий ранг- ажратиб олинган қисмни бўяшда фойдаланилади.

Фон ранги- автоматик равишда тўлдирилиб турилади. Рангни ўзгартириш учун сичқончанинг чап тугмачасини босиш керак. Ранглар ойнасидан исталган рангни танлаш мумкин. Ойнанинг чап томонидаги ранглардан ранг соясини ҳам танлаш имконияти ҳам мавжуд. Курсорни танланган ранг устига қўйиб чап тугмачани босиш лозим. Ранг танлаб бўлингач “ОК” кнопкаси босилади.



31. Катлам (слой) лар билан ишлаш

Adobe Photoshop дастури тасвирдаги бирор объект Прямоугольная область, Эллиптическая область, Лассо, Волшебная палочка, Бурная маска ёрдамида тасвирдаги деталлар белгиланиб, уларнинг нуқталарида Adobe Photoshop дастури янги қатлам ҳосил қилади. Бир неча тасвирлардаги айрим деталларни ягона тасвирга жамлаганда Adobe Photoshop дастури кўчириб ўтказилган тасвир бўлақларини қатламларга ажратадию айна жараён тасвир деталларини жойлаштириш учун жуда қулай. Бир неча қатламлар билан ишлаганда уларни бошқариш қийинлашади. Adobe Photoshop дастури бажарилганда янги ойна ҳосил бўлади. Бу ойнада тасвирдаги янги қатламлар ҳақидаги ахборотлар жойлашган. Янги қатламлар ҳосил қилинганда Adobe Photoshop дастури уни Слои ойнасида рўйхатга олади. Бу ойнада қатламлар тартибли жойлаштирилади.

Шунингдек, қатламларнинг ўрнини алмаштириш ёки вақтинча ўчириб қўйиш мумкин. Дастурда қатламларни бир-бирига бирлаштириш имконияти ҳам мавжуд.

32. Матнлар билан ишлаш

Adobe Photoshop дастури тасвирлар устига матнларни киритиш учун яна бир кенг имкониятни очиб беради. Тасвир устига матн киритиш учун ойналар панелида махсус текст ойнаси мавжуд. Бу ойна асосан тасвирга турли матнларни киритиш учун хизмат қилади. Текст ойнаси таркибида Текст маск, Вертикальный текст каби ойналар яширинган. Бу ойналар активлаштирилиб, курсор тасвир устида бир марта босилиши билан янги Текстовой инструмент ойнаси ҳосил бўлади. Бу ойналар фақат матнлар тузиш учун хизмат қилади. Унинг ёрдамида мавжуд матнларни таҳрир қилишнинг иложи йўқ.

Adobe Photoshop дастури Навигатор дарчаси билан ишлаш. Тасвирга киритилган ўзгаришлар сифатли чиқиши учун айна амал бажарилади. Навигатор дарчаси асосан тасвир ўлчамларини ўзгартириш ва тасвирни бошқариш учун хизмат қилади. Агар Навигатор дарчаси Adobe Photoshop дастури ишга туширилган чоғда экранда мавжуд бўлмаса, уни активлаштириш учун менюлар сатрида Окно менюсидаги Показат Навигатор командаси танланади.

33. “Action” дарчаси билан ишлаш

“Action” дарчаси Adobe Photoshop дастурида ишлашни янада тезлаштиради ва бир неча тасвир устида амалга ошириладиган бир хил амалларни ҳар сафар такрорлашга зарурат қолдирмайди. Adobe Photoshop дастуридаги “Action” дарчаси билан ишлашни билсангиз, қисқа фурсатда кўп миқдордаги тасвирни таҳрирлашингиз мумкин. Бунинг учун “Action” дарчаси янги “Action” очилади. Уни керакли ном билан номлагандан сўнг Рекорд тугмачаси босилади. Шу дақиқадан бошлаб Adobe Photoshop дастури сизни тасвир устида бажарган барча амалларингизни компьютер хотирасига кетма-кет жойлаштиради. Тасвир устида барча амаллар якунлангандан сўнг “Action” дарчасидаги Стоп тугмаси босилади. Adobe Photoshop дастури сизнинг барча амалларингизни тартибли равишда

“Action” дарчасига жойлаштиради. Бошқа тасвирларга ушбу амалларни қўллаш учун янги тасвир очилгандан сўнг “Action” дарчасидаги Выполнение командасини ишга тушириш лозим. Adobe Photoshop дастури автоматик тарзда янги очилган тасвирда ҳам сиз амалга оширган амалларни ҳеч бир ўзгаришларсиз бажаради.

34. “History” дарчаси билан ишлаш

Adobe Photoshop дастури ишга туширилганда экранда History дарчаси мавжуд бўлмаса Окно менюсида Показать “History” командаси танланади. “History” дарчасида тасвирга киритилган сўнгги ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотлар жойлашади. Тасвир устида бажарилган ҳар бир муҳим амаллар “History” дарчасида рўйхатга олинади. Ҳоҳлаган пайтда ёкмаган амалларни “History” дарчаси орқали рад этиш мумкин. Бунинг учун курсор бажарилган сўнгги амалдан олдинги команда устида босилади ёки Ctrl+Alt+7 клавишалари босилади. Adobe Photoshop дастури бажарилган сўнгги 20 амални рўйхатга олади. 21 амал бажарилганда Adobe Photoshop дастури аввалги амалларни ўчиради.

35. Янги тасвир, дубликат очиш ва тасвирни доимий хотирага жойлаштириш

Adobe Photoshop дастурида ишлашдан аввал янги файл тузилади ёки компьютер хотирасида мавжуд бўлган тасвир очилади. Янги файл тузиш ва аввалдан мавжуд бўлган файлларни очишнинг қуйидаги йўллари мавжуд:

Новый файл-меню сатрида Файл менюси очилиб Новый файл командаси танланади ёки Ctrl+N тугмалари комбинациясидан фойдаланиб, янги файл тузилади.

Юқоридаги амал бажарилганидан сўнг Adobe Photoshop дастури янги файлни яратиш учун унинг ўлчовлари ҳақидаги маълумотлар битилган янги дарчани ҳосил қилади. Бунда янги тузилаётган файл номи, унинг ўлчамлари киритилиши талаб этилади. Керакли ўлчамлар киритилгандан сўнг, ОК тугмасини босиш лозим. Adobe Photoshop дастури оқ рангдаги янги тасвирни тузади. Бу тасвирга ҳоҳлаган ўзгартириш киритиш ёки бошқа тасвирлардан айрим деталларни кўчириб ўтиб, умуман янги тасвирни ижод қилиш мумкин.

Открыт файл-меню сатрида файл менюсини очиб Открыт командаси танланади ёки Ctrl+O тугмалари комбинациясидан фойдаланиб компьютер хотирасида мавжуд бўлган файлни очиш мумкин.

36. Фильтрлар билан ишлаш


Adobe Photoshop дастурида тасвирни қўшимча эффектлар билан бойитиш учун фильтрлардан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун менюлар сатрида “Фильтр” буйруғи таркибидаги филтрлардан фойдаланиш мумкин. Шу тариқа танланган суръатлар эффектлар билан бойитилиши ёки эффекти камайтирилиши мумкин.

37. Визитка тайёрлаш

Визитка тайёрлаш. Визитка тайёрлаш қўлланмасини шакллантириш ва малака ҳосил қилиш. Намуна тариқасида тўғарак аъзоларига бирор-бир соҳа ходимига тегишли визитка тайёрлаб кўрсатиш лозим.




Ўқувчиларни ижодий камол топтириш гуруҳи



38. Фотоларга фон ва рамкалар тайёрлаш

Фотоларга фон ва рамкалар тайёрлаш. Фотоларга мос фонлар танланиб, чиройли кўринишга келтирилади. Кейинги босқичда фотога мос рамкалар ҳам танлаб олинади. Шу тариқа тўғарак аъзоларида фотоларга фон ва рамкалар танлаш кўникмаси ва малакаси шакллантирилади.



39. Эски расмларни қайта тиклаш

Эски расмларни қайта тиклаш. Adobe Photoshop дастурида эски расмларни қўшимча эффектлар ва ранглар бериш орқали қайта тиклаш мумкин. Шу тариқа эски расмларни қайта ишлаш ва таъмирлаш малакаси шакллантирилади.

“Фотодизайн” тўгарагининг иккинчи ўқув йили қўлланма.

1. 1 - ўқув йилида ўтилган мавзуларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш.

2. Чегараларни ва қуйилмаларни (заливки) шакллантириш.


Расмлар, жадваллар ёки матнга чегара қўйиш учун қуйидаги ҳаракатларни бажариш керак.

1. Чегара қўйиладиган матн, расм ёки жадвал танланади.
2. “Формат” менюсидан “Границы и заливка” буйруғи танланади, кейин “Границы” иловаси (вкладка) очилади.

3. Керакли параметрлар танланади.

4. Фақат алоҳида томонлар учун чегарани белгилаш учун, “Тип” гуруҳида “Другая” буйруғи танланади. “Образец” ойнасида схеманинг керакли томонлари қайт этилади ёки чегараларни ўрнатиш ва йўқ қилиш тугмаларидан фойдаланилади.

5. Матнга нисбатан абзац чегарасини аниқ жойини белгилаш учун, рўйхатдан “Примените к параметру Абзац” танланади, “Параметры” босилади, ундан кейин керакли параметрлар белгиланади.



Вараққа чегара қўйиш учун қуйидаги ҳаракатларни бажариш керак:

1. “Формат” менюсида “Границы и заливка” буйруғи танланади, ундан кейин “Страницы” иловаси очилади.

2. Чегарага санъаткорона кўриниш бериш учун, масалан, юлдузчалар билан, “Рисунок” майдонидан керакли расм танланади.

3. Чегара типларини “Тип” гуруҳидан танланади. Варақнинг айрим томонларининг чегарасини белгилаш учун, масалан, баланд қисмидан, “Тип”

гурухидан “Другая” буйруғи танланади. “Образец” майдонида варақнинг тасвирини, чегара акс этиши лозим бўлган жойда қайд этилади.

4. Алоҳида варақни ёки бўлимни чегарасини белгилаш учун, “Применить” рўйхатида керакли параметрларни танлаш керак.

5. Варақда чегаранинг аниқ жойини белгилаш учун, “Параметры” тугмаси босилади, ундан кейин керакли параметрлар танланади.

Матннинг ажратилган бўлагига қўйилма (заливка) қўйиш учун қуйидагилар керак:

1. “Формат” менюсидан “Границы и заливка” буйруғи танланади, ундан кейин “Заливка” иловаси очилади.

2. Керакли ранг танланади, зарур ҳолларда Каштаси (Узор).

3. “Применить” майдонида қўйилмани нимага қўллашни (матнга ёки абзацгами) танлаш.

4. Ок тугмаси босилади.



3. Расм қўйиш.

Хужжатни ранг-баранг қилиб тузиш учун унга кўп ҳолларда график элементларни қўйишга тўғри келади (расмлар диаграммалар, стандарт суръатлар). Ушбу элементларни қўйиш учун “Рисование” куруллар панелидан ёки “Вставка - Рисунок” буйруқларидан фойдаланилади:



1. Қистирма (Вставка) менюсидан Расм (Рисунок) буйруғи танланади, ундан кейин – “Из файла” буйруғи ёки Расм чизиш (Рисование) панелидан Расм қўшилади (Добавить рисунок) буйруғи босилади.

Экранда расмлар пайдо бўлади.



2. Қўйилиши лозим бўлган расм топилади.

3. Қўйилиши лозим бўлган расмни икки марта чиқиллатилади.

Расмнинг ўлчамини кичрайтириш ёки катталаштириш учун расмни сичқон ёрдамида бир марта қайд этиб ажратиш керак, шунда расмнинг периметри бўйлаб ўлчамларини ўзгартирувчи саккизта маркер пайдо бўлади.

Кўп ҳолларда расмни қўйгандан кейин, матн расмга исталгандан қўшилмайди. Матн расмга яхши қўшилиши учун уни “Настройка изображения” ёки “Рисование” асбоблар панели ёрдамида ўзгартириш мумкин.

“Рисование” асбоблар панелини акс эттириш учун, Кўриниши “Вид” менюсидан “Панели инструментов – Рисование” банди танланади ёки “Сервис” менюси – “Настройка – Панели инструментов – Рисование”, ёки стандарт асбоблар панелидан Расм чизиш панели тугмаси босилади.

4. Асбоблар панели. Тасвирни созлаш. (Настройка изображения).

Тасвирни созлаш панели.

Расмнинг ёрқинлигини, мусаффолигини, ўлчамларини, матннинг шувалиб кетишини ва бошқаларни ўзгартиш учун “Настройка изображения” асбоблар панелидан фойдаланилади.

1-тугма – Расм кўшилсин (Добавить рисунок) хужжатга расм қўйишга хизмат қилади;

2-тугма – Тасвир (Изображение) менюси расмни оқ-қора, кулранг ва бошқа рангга ўзгартиради.

3-4 тугмалар – тугмалар мос равишда тасвирнинг мусаффолигини кўпайтиради ёки камайтиради.

5-6 тугмалар – мос равишда тасвирнинг ёрқинлигини кўпайтиради ёки камайтиради.

7-тугма – Кесма (Обрезка) расмнинг чегараларини кесишга мўлжалланган.

8-тугма – Бурилиш (Поворот) расмни айлантиришга хизмат қилади.

9-тугма – Чизиқ тури (Тип линии) расм чегаралари чизиғининг қалинлигини белгилайди.

10-тугма – Расмларни қисиш (Сжатие рисунков) расмларни қисиш учун хизмат қилади.


11-тугма – Матн билан қўшилиш (Обтекание текстом) менюси матнда расмнинг жойлашадиган жойини белгилайди.

12-тугма – Объект шакли (Формат объекта) расмнинг барча параметрларини созлаш мумкин бўлган Расм шакли (Формат рисунка) ойнасини чакиради.

13-тугма – Шаффофлик (Прозрачность) расмнинг шаффофлигини ўрнатади.

14-тугма – Параметрларни ташлаш (Сброс параметров) расмни дастлабки параметрларга қайтаради.

Ишчи ойнага ушбу асбоблар панелларини чиқариш учун, навбатма-навбат қуйидаги буйруқлардан бирини бажариш керак:



Вид – Панели инструментов – Настройка изображения
Сервис – Настройка – Панели инструментов – Настройка изображения

Автофигуралар ва Word Art объектларини қўйиш.

Microsoft Wordда векторли графика асосида расмларни яратиш имкониятлари мавжуд, бунинг учун тайёр тузилган объектлардан фойдаланилади (Автофигуралар) ва графикали матнлар (Word Art).




Ҳужжатга автофигуралар қўйиш учун қуйидагилар керак:

1. Қистирма (Вставка) менюсидан Расм (Рисунок) менюсини, ундан кейин Автофигуралар (Автофигуры) буйруғини ёки Расм чизиш (Рисование) панелидан Автофигуралар менюси танланади.
2. Рўйхатдан керакли фигура танланади.
3. Уни сичқоннинг чап тугмаси билан ушлаб турган ҳолда ҳужжатнинг керакли жойига ўтказиб қўйилади.



Ҳужжатга Word Art объекларини қўйиш учун қуйидаги ҳаракатларни бажариш керак:

1. Қистирма (Вставка) менюсидан Расм (Рисунок) менюсини, ундан кейин Word Art, буйруғини ёки Расм чизиш (Рисование) панелидан “Добавить объект Word Art” тугмаси танланади.
2. Word Art Коллекция мулоқот ойнасидан сичқон тугмаси билан икки марта чиқиллатган ҳолда керакли усул танланади.
3. Word Art матнини ўзгартириш ойнасига (окна Изменение текста Word Art) керакли матн киритилади.
4. ОК тугмасини босилади.



9-тугма Word Art объектини қўшади (Добавить объект Word Art).

10-тугма Диаграмма – диаграммалар кутубхонасини чиқаради.

11-тугма – Суръат қўшилсин.

12-тугма – Расм қўшилсин.

13-тугма Ранг куйилмаси (Цвет заливки) – фигуранинг ички қисми рангини ўзгартириш имконини беради.

14-тугма Чизик ранги (Цвет линии)-фигуранинг ички қисми рангини ўзгартириш имконини беради.

15-тугма Шрифт ранги (Цвет шрифта) – матнга ранг беради.

16-тугма Чизик типи (Тип линии) менюси – объект чегарасининг қалинлигини белигилайди.

17-тугма Штрих менюси – объект чегаралари чизиғи кўринишини белигилайди.

18-тугма Стрелкалар менюси – стрелка кўринишини белигилайди.

19-тугма Соя (Тень) менюси – объектга соя беради.


20-тугма Ҳажм (Объем) менюси – объектга уч ўлчамликни беради.

7. Слайдларни шакллантириш.

Суръатлар ва расмлар мана шулар тақдимотни кизиқарли қилади. Суръатлар ҳар хил бўлади. Улар чизилган,бошқалари фотосуръатлардан сканер қилиниб олинган бўлиши мумкин. Анимация қилиб олинган расмлар ҳам бўлади.

Power Point ҳар хил вазиятлар учун керак бўладиган турли хил суръатларнинг, клипларнинг ва ҳаттоки товушларнинг катта коллекциясини ўзида сақлайди.

Суратларни қўйиш.



Тайёр суръатни қўйиш учун Чизмачилик (Рисование) панелидаги “Добавить картинку” тугмасини босинг, ёки сатрлар менюсининг “Вставка – Рисунок – Картинки” буйруқларини бажаринг. Вазифалар майдонида суръатлар (расмлар) коллекцияси пайдо бўлади, ушбу коллекциядан танланган суръат (расмни) сичқонча билан қайд этилиб слайдга қўйилади.

Файлдаги расмларни бир нечта усуллар билан олиб қўйиш мумкин:

-чизмачилик (Рисование) панелидаги Расм қўшилсин (Добавить рисунок) тугмаси қайд этилсин;

-“Вставка –Рисунок – Из файла” буйруғи танлансин;

-агар слайд учун макет объектлар билан қўлланилган бўлса, бу ҳолда унга олтига белгили рамка бор, “Добавить рисунок” белгисини топинг ва уни қайд этилади.



Экранда расмлар ажратилганда Тасвирни созлаш (Настройка изображения) панели пайдо бўлади, у расмни таҳрир қилишга ёрдам беради.

- янги расм қўйилади;
- расмни оқ- қора қилинади;
- контрасти алмаштирилади;
- ёруғлиги алмаштирилади;
- ортиқчаси кесиб ташланади;
- 90 градусга бурилиш;
- рамка ясалади;
- бўлақлар (обрезки) олиб ташланади;
- ранг ўзгартирилади;
- растлаш ойнаси чақирилади;
- расмдаги битта ранг олиб ташланади;
- барча параметрлар бекор қилинади.

Матнни қўйиш.

Биронта такдимот одатдаги матнсиз бўлмайди, ахир расмларга ва бошқа объектларга тушунча бериш керак.

Бошқа усуллар кўриб чиқилади:

-агар макетда Матн (Текст) слайди рамкаси бўлса, унда уни қайд этилади ва матнни териб бошланади;

-матнни ихтиёрий жойда жойлаштириш учун, Чизмачилик (Рисование) панелидаги Ёзув (Надпись) тугмаси қайд этилади, ундан кейин слайднинг ёзув жойлашадиган жойи қайд этилади. Курсор билан рамка пайдо бўлади, унда матн терилади.

Бундай ёзувларни слайдда исталганча қилиш мумкин, ўқувчи кўзларига экрандан матнни ўқиш қоғозга қараганда кийинроқ, шунинг учун уни яхшилаб форматлаш керак.

Тўлқинли қизил чизиқ билан белгиланган сўзни хатоси борлигини контекстли меню ёрдамида, ёки “Сервис - Орфография - Выбрать необходимые параметры” буйруқлари билан текшириш мумкин.

Амалда слайддаги барча объектларга матн қўшиш мумкин (чизиқлардан ташқари). Бунинг учун фигурани ажратиш, сичқончанинг ўнг тугмаси билан контекстли менюни очиш ва Матн қўшинг (Добавить текст) ёки Матн сатрини қўшинг (Добавить текстовую строку) буйруғини танланади.

Матнни ажратиш учун рамканинг атрофини қайд этиш (курсор йўқолади, ажратма эса қолади) ва қўйидаги ҳаракатларни бажариш:



- етарлича катта ўлчам танланади (“Размер” ёки Форматлаш панелидаги шрифт ўлчамини тугмаси орқали катталаштирилади);
- абзацларга бўлинади. (сатр охирида <Enter> тугмаси босилсин);
- абзацлар учун тартиб рақами ёки маркер ўрнатилади. (Форматлаш панелидаги “Нумерация и Маркеры” тугмалари);

-матнни рамканинг марказига, чап ёки ўнг томонига тўғрилаш. (Форматлаш панелидаги тегишли тугмалар);

-шрифтнинг ранги танланади. (“Рисование” панелидаги “Цвет текста” тугмаси) ва бошқалар.

Ушбу параметрлар қўйилганлиги слайд макети бу ҳаракатларнинг барчасидан халос этади, сабаби, презентацияни тайёрлашда, доимо уни бутун экранда қандай кўринишини кўриш истаги пайдо бўлади. Бунинг учун “Показ слайдов” тугмасини босилади (жорий слайддан). У Миниатюрали панелнинг пастки қисмида жойлашган.

8. Презентацияни намоиш этиш.



Агар ҳозирги вақтда объектлар анимациясини созлаш, слайдларни ёки анимация эффектини алмаштириш билан банд бўлса, унда барча бу панелларда кўрсатишни ишга тушириш (Запуск показа) тугмаси бор.

Анъанавий йўлдан бориш мумкин, презентацияни сатр менюсидаги “Начать показ” буйруғи ёрдамида ишга тушириш мумкин. Ушбу ҳолатда кўрсатиш энг биринчи слайддан бошланади.

Анча илгарилаб кетганлар учун F5 тугмаси хизмат қилади

9. Презентацияни сақлаш.


Агар презентация устида ишлаш тамомланган бўлса ва намоиш этишга тайёр бўлса, дастлабки ишларни кўрсатиш шарт эмас. Power Point дастури ойнасиз бутун экранга бирданига кўрсатилади. Бунинг учун презентацияни яна бир марта “Файл - Сохранить как.” буйруғи билан сақланади, бунда Файл типи







(Тип файла) рўйхатидан Power Pointни намоиш этиш (демонстрация Power Point) сатри танланади.

Энди жилдда Презентация номи билан иккита файл сақланади.

Бунда савол туғилади слайдлар жойлашишини ўзгартириш мумкинми? Бундай ҳолат кўп марта юзага келади. Масалан, қайси бир ҳолатда баъзи бир слайдларни кўрсатишни такрорлашни, ёки турли хил аудиториялар учун турли слайдларнинг турли тўпламини намоиш этишни исталса, яъни слайдларни ихтиёрий кўрсатишни тайёрлаш имкониятлари, бунинг учун Слайдлар миниатюраси панелида (Панели - Миниатюры слайдов) слайдларнинг жойлашишини алмаштириш керак холос.

Компьютерда ҳаракатлар қуйидаги тартибда амалга оширилади:







10. Чиройли хатларни яратиш.

Агар почта дастури хатни чиройли шакллантириш усулини қўллаб-қувватласа (тўқ шрифт, курсив ва ҳоказо), хат юбораётган манзилда ҳам қўллаб-қувватлайдиган шундай дастур борлигига ишонч ҳосил қилинади.

Хатни чиройли безаш мумкин, бунинг учун қуйидагилар керак:

1. Яратиш (Создать) бандини танланади.
2. “Формат” бандини танланади.
3. “Фон” бандида расм, ранг ва товушни танлаш мумкин.



Баъзида хатга эҳтиросларни қўшишни исталса, унда матнга ☺ ёки ☺ белгилари қўйилса арзийди. Бу белгиларнинг аҳамиятини бошни чапга эгилтириб ва нуқталар ўрнига кўзларни кўриб тушуниш мумкин. Энди турли хил смайликлардан фойдаланиб, хатларда эътиборни тортадиган суҳбатларни олиб бориш ва бунда нафақат фикрларни, шу билан бирга дилдаги гапларни ҳам етказиш мумкин бўлади.

Қуйида анча оммавий бўлган смайликларнинг кичкина рўйхати келтирилади:



11. Яхши муносабат қоидаси.

Электрон почта тез алоқа усули эканлиги, унинг қўпол бўлишини билдирмайди. Электрон хат алмашинувида яхши муносабатнинг маълум бир қоидалари мавжуд.

Е-mail яхши муносабат қоидалари бир суткадан кечиктирмай барча хатларга жавоб берилишини талаб қилади. Агарда бир сутка давомида хатни ўрганиб бўлмаса, қуйидагилар ёзилади. “Мен сизнинг хатингизни олдим, албатта сизга кейинроқ жавоб бераман”.

Ҳар доим хабарга Мавзу (Тема) майдони уланади. У электрон хатни излаш, саралаш ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириш калити ҳисобланади. Хатнинг мавзуси бутун хабарнинг мазмуни белгисидир. Кимнингдир хабарига жавоб бераётган ҳолларда, мулоқотнинг асосий мазмуни ўзгарса, мос равишда мавзу ҳам ўзгаради. Энг яхшиси янги масалани муҳокамасини янги хатни яратишдан бошлаш яхши. Юборилаётган хабарни мавжуд ёзишмаларнинг мазмуни ва мақсади билан таққослаб борилади. Агар тез суръатда сўров юборилаётган бўлса, уни қисқа ва кенг қамровли қилинади. Доимо имконият даражасида хатнинг мавзуси доирасида бўлишга ҳаракат қилинади.

Агар муҳокама қилинаётган масалалар доирасини кенгайтириш ёки бошқа мавзуга ўтиш зарурати туғилса, бунда аксарият ҳолларда янги мавзуда хат билан хабар юборилади. Бундай ҳаракат хатни қабул қилувчиларга турли хил мавзуларни алоҳида кўриб чиқиш имконини беради.

Матн мантиқан параграфларга бўлинади ва ҳаддан зиёд узун гаплар ўрнига бир нечта қисқа гаплардан фойдаланилади. Жумлаларни орфография ва грамматика нуқтаи назаридан саводли бўлишига эътибор берилади. Электрон

почта – тоза кўринишдаги алоқа воситаси, ёмон изоҳланган ва саводсиз хабарлар ўқилиши қийин ва тушунарсиз бўлади. Электрон хатлар матнида кредит карточкалар рақамларини юбораётганда жуда эҳтиёт бўлинади. Электрон почтани юбораётганда нопок одамлар томонидан ушлаб қолиниши мумкин, улар кредит карточкалар рақамларидан ғараз мақсадларда, пулларни ноқонуний ўзлаштиришда фойдаланишлари мумкин.



12. Тасвир ўлчами. Тасвирнинг ҳақиқий ўлчами.

Тасвир ўлчами Adobe Photoshop дастурида тасвир ўлчамларини экранда тасвирнинг қисмини ёки тасвирдаги кичик деталларни кўчириш учун ҳоҳлаганча катталаштириш ёки кичрайтириш мумкин, айти жараён фоизлар ҳисобида орттирилади. Масалан: 100 % -бу тасвирдаги пикселлар сонига экрандаги пикселлар сони тенглигини англатади. Яъни 1:1 200% га тасвир катталаштирилганда экрандаги бир пикселга катта миқдордаги пикселлар миқдордаги пикселлар миқдори тўғри келаётганлигидан далолат беради.

Тасвирнинг ҳақиқий ўлчами. Adobe Photoshop дастурида 100 % ли ўлчам тасвирнинг реал ўлчами дейилади. 100% ли ўлчамда тасвир аниқ равшан кўринади. Тасвирнинг реал ўлчами қуйидаги амалларни бажариш орқали ўрнатилади: менюлар сатрида Вид меню бандидан Фактический Размер буйруғини танланг {Ctrl+Alt-O} тугмаларини биргаликда босиш орқали бажаринг.

13. Тўла экранли режим. Тасвирни босма шаклдаги ўлчами. (Размер Печати).

Тўла экранли режим. Adobe Photoshop дастури тасвирни биринчи марта очганда уни максимал ўлчамда очади. Тасвир билан ишлаш жараёнида унинг ўлчамини бир неча марта катталаштириш ёки кичрайтиришга тўғри келади. Ана шундай ҳолатларда тасвирни ҳоҳлаган пайтда дастлабки Полноэкранный Режим

ҳолатига қайтариш мумкин. Бунинг учун қуйидаги амалларни Показать Во Вес Экран командасини танлаш: {Ctrl+ 0} тугмаларини биргаликда босиш, ускуналар панелидаги Рука тугмаси устида “сичқонча” тугмасини икки марта кетма-кет босиш.

Тасвирни босма шаклдаги ўлчами (Размер Печати). Adobe Photoshop дастури тасвирнинг принтерда чоп қилингандаги кўринишини чоп қилмасдан аввал экранда кўриш имкониятини беради. Бунинг учун Менюлар сатрида Изображение менюсини таркибидаги Размер Изображения буйруғи танланади. Аммо, ҳамма вақт ҳам тасвирнинг экрандаги кўриниши билан чоп этилгандаги ўлчамлари айнан мос тушавермайди. Тасвир катталиклари 0,2 % дан 16000 % миқдор ўртасидаги сонлар билан белгиланади.

14. Навигатор дарчаси билан ишлаш.

Adobe Photoshop дастурида тасвирдаги майда деталлар билан ишлаш жараёнида тасвирни бир неча марта катталаштиришга тўғри келади. Тасвирга киритилган ўзгартиришлар сифатли чиқиши учун. Навигатор дарчасида амал бажарилади. Навигатор дарчаси асосан тасвир ўлчамларини ўзгартириш ва тасвирни бошқариш учун хизмат қилади. Агар Навигатор дарчаси Adobe Photoshop дастури ишга туширилган чоғда экранда мавжуд бўлмаса, уни активлаштириш учун менюлар сатрида Окно менюсидаги Навигатор буйруғини танланади.

Действия (Action) дарчаси Adobe Photoshop дастурида ишлашни янада тезлаштириш ва бир неча тасвир устида амалга ошириладиган бир хил амалларни ҳар сафар такрорлашга зарурият қолдирмайди. Adobe Photoshop дастуридаги Действия дарчаси билан ишланса, қисқа фурсат ичида кўп миқдордаги тасвирни таҳрир қилиш мумкин.

15. Баннер тайёрлаш.

Баннер тайёрлашни шакллантириш. Намуна тарикасида ўқувчиларга бирор-бир соҳага тегишли баннер тайёрлаш.

16. Adobe photoshop дастурида ишлаш учун топшириқлар.

1-топшириқ. Расмни қирқиб олиш ва тўғирлаш.

1.**Adobe Photoshop** редакторини ишга юкланади. Бирорта манзарани ишчи ойнага чакириб олинади ва “Фильтр” меню банди **Вычитание** буйруғидан фойдаланиб унинг бирор бўлагини қириб олинади. (1-расм.)

Бажариш тартиби. **Вычитание** буйруғидан фойдаланиб расмга ишлов берилади. Бунинг учун “Файл” меню банди **Открыть** буйруғидан фойдаланиб керакли объектни чакириб олинади. (2-расм).

Сўнгра “Фильтр” меню бандига қириб, **Вычитание** (айириш ажратиб олиш) буйруғини бажаришга узатилади. (3-расм). Экранда **Extract** (кўчирма, парча) мулоқат ойнаси ҳосил бўлади.



1-расм. Кўл бўйида.

2-расм. Шаклнинг ажратиб олинган қисми.

3-расм. Вычитание буйруги туширилгандан кейинги ҳолат.

Унинг чап ён томонида қуйидаги ускуналар жойлашади:

1. Қалам - бўяш ёки белгилаш учун.
2. Заливка – рангни қуйиш – тўқиш ёки бирданига тўлиқ бўяш.
3. Ластик – ўчиргич.
4. Лупа – тасвирни катталаштириш (-) ёки кичиклаштириш (-) ва бошқа ускуналар.

Ўнг ён томонида қуйидаги буйруқлар ўз ифодасини топади. **Ок** тугмачаси босилса ушбу амаллар бажарилишга узатилади. **Cancel** тугмачаси босилса эса амаллар бажарилиши инкор қилинади. Кейин **Toll Options** (эркин ускуна) бўлимига кириб ишлатилаётган ускунанинг **Brush Size** (кисть ўлчами) ўлчамини ва навбатдаги бўлимдан рангини ҳамда фонини танлаб олиб унга ишлов берилади. (4-расм). Қирқиб олингандан кейинги манзара. (5-расм).



4-расм. Қирқиб олинган қисм.

5-расм. Қирқиб олингандан кейинги манзара.

2-топшириқ. Расмларни рангларини ўзгартириш.

Ушбу табиат манзарасини танлаб, “**Фильтр**” меню банди **Сжижение** буйруғидан фойдаланиб тоғ манзаралари ўзгартирилади ва қуйидаги манзара ҳосил бўлади. (6-7-8-расмлар.)



6-расм. Табиат манзараси.

7- расм. Расмни чўзиш.

8- расм.Тундлаштириш (зуборлаштириш).

3-топшириқ. Фототасвирни нусхалаш.

Фототасвиреп айнан нусхалаш учун ихтиёрий тасвирни ишчи ойнасида очилади ва ёнидан унинг нусхаси ҳосил қилинади.

Бажариш тартиби: “**Файл**” меню банди **Открыть** буйруғи ёрдамида компьютер хотирасида мавжуд ёки бирор маълумот киритувчи (сканер) орқали, ёки бирор маълумот ташувчилар (**CD-R, DVD-R, Flesh duck**) орқали киритилган расмлардан бири очилади ва ускуналар панелидаги **Штамп (Штамп копии)** ускунасини активлаштириб тасвир устига сичқонча кўрсатгичини келтириб **[Alt]** тугмачасини бир маротаба босилади. (9-расм.) сўнгра сичқонча кўрсаткичини фототасвир ёнига келтириб чап тугмачаси босилади. Экранда штамп кўриниши ва ундан маълум масофа тасвир устида плюс (+) шаклидаги белги ҳосил бўлади. Сичқонча кўрсатгични тасвирда ушбу белгига қараб ҳаракатлантирилади.

Штамп силжиган жойларда тасвирнинг айнан нусхаси ҳосил бўлади. (10-расм.



9-расм. Тасвирнинг дастлабки кўриниши.

10-расм. Нусхаси олинган расм.

4-топшириқ. Фототасвирдан ёки бошқа объектдан нусха кўчириш.

Бунинг учун тасвирнинг устига сичқонча кўрсатгичини келтириб кўйиб **[Shift]+[Alt]+[Ctrl]** тугмалари мажмуасини босиб турган ҳолда сичқончанинг чап

тугмасини босиб турган ҳолда, истаган йўналишга ҳаракатлантирилади ва **[Shift]+[Alt]+[Ctrl]** тугмалари қўйиб юборилади. (11-расм.)



11-расм. Тасвирнинг дастлабки шакли

5-топшириқ Расмни тўртта қилиб нусхалаш ва ёнма ён ҳамда тагма таг жойлаштириш. (12-расм.)



12-расм. Нусха

кўчирилган дан кейинги расм.

6-топшириқ. Тўртта қатламда турган расмларга алоҳида қатламлар сифатида қараб ҳар бирига турига эффектлар бериш.

Биринчи қатлам устига сичқонча кўрсатгичини қўйиб чап тугмасини бир маротаба босамиз ва **“Слой”** меню бандига кириб **Эффекты слоя** папкасидан **Атлас** эффекти танланади ва **ОК** тугмаси босилади. (13-расм.)

Худди шундай иккинчи қатламга рамка, учинчи қатламга ва тўрттинчи қатламларга ҳам керакли эффектларни танлаб қуйидаги кўринишдаги тасвир ҳосил бўлади. (14-15-расмлар.)



13-14-15-расмлар.

7- топшириқ.

“Слой” меню бандидан фойдаланиб қатламларга берилган эффектларни **Убрать все эффекты** буйруғи орқали бекор қилиш ва **Удалить слой** буйруғи орқали биринчи ва учинчи қатламлар ўчириб ташланади.


“Слой” меню бандига кириб **Удалить слой** папкасидан **Слой** буйруғини ишга туширилади ва экранда **Удалить слой “Фон копин 3”** деган мулоқот ойнаси ҳосил бўлади. Агар **ДА** тугмачаси босилса кўрсатилган қатламни олиб ташлайди, **НЕТ** тугмачасини босилса амални бекор қилади. Биз шу жараёни давом эттириб биринчи ва учинчи қатламларни фони билан, биргаликда ўчириб ташланади. Натижада қуйидаги шаклга ҳосил бўлади. (16-расм.) Бундан ташқари ҳосил қилинган тўртта қатламларни битта ягона қатламга бирлаштириш мумкин. Бунинг учун “Слой” меню бандидан **Объединить с Видимым** буйруғи ёки **[Shift]+[Ctrl]+[E]** тугмачалари мажмуасини ишга тушириш орқали бажариш мумкин. Бу амалдан сўнг ҳар тўртта қатлам ҳам ягона битта қатламга айланади.+ уйида тўртта қатламнинг бириштирилган ҳолати. (17-расм.)



16-17-расмлар.

8- топшириқ. Берилган рангли тасвирни турли режимдаги кўринишларда тасвирлаш.


Фототасвирни экранда очамиз кейин “Изображение” меню бандидан **Режим** папкасига кирилади ва кўрсатилган буйруқларни танлаб кетма-кет бажарилади. (18-расм.)




18-расм.

9- топшириқ. Оловли ёзувларни ҳосил қилиш.

Бундай ёзувларни ҳосил қилиш кўпроқ дизайнерлар учун қўл келади. Уни тузиш унча мураккаб эмас. Дастлаб файл меню бандини очамиз, **Новый** буйруғи ёки **[Ctrl]+[N]** тугмалари мажмуасини ишга туширилади ва Янги ойна очилади. Ойна фони оқ бўлсин. Матнни ускуналар панелидаги т белгисини активлаштириб горизантал йўналишда ёзилади. Матннинг ўлчами ва шакли танланади ва рангини қизил ёки сариқ рангда танланади. Эффе́кт бериш учун аввало уни **“Слой”** меню бандига кириб **Склеить слой** буйруғи орқали таг қатламга маҳкамланади. Сўнгра **“Фильтр”** меню банди орқали эффе́ктланади. Бундан ташқари Фильтр меню банди ёрдамида ҳам турли дизайнли ёзувлар тузиш мумкин. (19-20-расмлар.)



19-20-расмлар.



21-расм. Тасвирнинг дастлабки шакли.

22-расм. Тасвирнинг ишлов берилгандан кейинги ҳолати.

Ёзувларга **Стили** ойнаси ёрдамида эффе́кт бериш. (21-22-расмлар.)

Берилган фототасвирни турли йўналишлар бўйича бураш ва жойлаштириш. (23-расм.)



23-расм.

10- топшириқ.

Аввало янги ишчи ойнани очиб **SHOW** ёзувини тузиб оламиз ва уни таг қатламга маҳкамланади. Кейин қор ҳосил қилинади. Кистъ ускунасини ускуналар панелидан активлаштириб олинади. Кистъ ускунаси ёрдамида қор ҳосил қилинади.

11- топшириқ. Фототасвирнинг ўлчамларини ўзгартириш.

Изображения меню бандидан **Размер Изображения** буйруғи ишга туширилади ва экранда тасвир ва қуйидаги мулоқот ойнаси ҳосил бўлади. (24-25-расмлар.)

Худди шу йўл билан истаган ўлчамли расмларни яшаш мумкин.




24-25-расмлар.

12- топшириқ. Тасвирларни турли рамкаларга солиш.

Бунинг учун керакли ишчи ойнада очилади ва рамканинг шаклини ускуналар панелидаги **Пользовательский ускуна** ускунаси орқали танланади. (26-расм.)

Керакли рамкани танлаб тасвирга кийдирилади ва **Слой** меню бандидан **Склеить слой** ёки **Объединить с Видимым** буйруқлари орқали маҳкамланади. (27-расм.)



26-27-расмлар.

17. Фотоаппарат ёрдамида олинган суратлардан Adobe photoshop дастурида фотоальбом тайёрлаш.

Фотоальбом тайёрлашдан суратларга мос фон ва рамкалар танланиб, чиройли кўринишга келтирилади. Тайёр суратлардан фотоальбом тайёрланади.

18. Фотоальбомлар кўргазмасини ташкил этиш ва ўтказиш.

.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият.-Т.: Ўзбекистон, 1994
 2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир: Маърузалар, нутқлар, суҳбатлар. - Т.: Ўзбекистон, 1995
 3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т. Маънавият, 2008
 4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури тўғрисида”ги Қонунлари // Баркамол авлод –
 5. Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ матбаа - нашриёти, 1997
 6. Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талаблари. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 март “Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 69-сонли буйруғи.
 7. А.Курбонова, М.Мамаражабов. Информатика: академик литсей ва касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. – Т.: Тамаддун, 2013
 8. Г.Қодирова. Фотодизайн. 2012.
- Электрон манбалар:**
- 9.“Ziyonet”.uz
 10. Barkamol.uz